



162

2013 у.г. "8" ноябр № 1197-к

Samarqand t-p Самарканд

“TrastRosIndastrKompani” масъулияти чекланган жамиятига тикувчилик цехи куриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 04 октябрдаги 123-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2011 йил 20 июлдаги 769-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда “TrastRosIndastrKompani” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 04 октябрдаги 123-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. “TrastRosIndastrKompani” масъулияти чекланган жамиятига тикувчилик цехи куриш учун “Улуғбек” ҚФЙ “Янгиарик” маҳалласидаги МЧ “Тулистон-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 488 контуридан жами 0,18 га (шундан: шундан: 0,18 га туман захирасидаги 36-балл бонитетли мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар хисобидан) ер майдони танлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорининг 1-иловасига асосан тикувчилик цехи куриш учун ажратилаётган 0,18 га 36 балл бонитетли сувли ер майдони учун 3 624 004 сўм пул миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси “TrastRosIndastrKompani” масъулияти чекланган жамиятига юкланиши белгилаб қўйилсин.
4. Тикувчилик цехи куришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси “TrastRosIndastrKompani” масъулияти чекланган жамиятига топширилсин.
5. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси»дан сўралсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев